O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 13-DEKABR ■ SHANBA ■ 146 (27.166) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 12 декабрь куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессияси ишининг иккинчи куни «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик ҳавола этди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Қорақўл тумани ҳокими А.Раҳмонов, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи О.Муродов, Сурхондарё вилояти офтальмология шифохонаси бош шифокори Р.Муҳаммадиев, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» телеканали бош директори А.Аъзам иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раиси ўринбосари С.Солиевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Ғузор тумани ҳокими Х.Бозоров, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, «Бухоросувқурилиш» акционерлик жамияти раиси ўринбосари Э.Ҳайдаров мазкур ҳужжат бўйича ўз фикрларини билдирди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Ушбу масала юзасидан муҳокама чоғида Қамаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Фофуров, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова, «Урганчёғ» очиқ турдаги акционерлик жамияти директори ўринбосари К.Ҳўжамуродов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М.Анварова, Наманган вилоятидаги Норин-Сирдарё ирригация кўл тизими бошқармаси бўлими мудири Х.Сайдуллаев ўз фикрини билдирди. Парламент ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Сессияда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев қатнашди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун депутатлар эътиборига ҳавола этди ва мазкур қонун қабул қилинди.

Сессияда депутатлар Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламент Олий Мажлис сессияси Котибияти раҳбари Д.Тошмуҳамедованинг фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳиддиновнинг таклифига биноан Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг таклифига кўра Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгартишлар киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.

Суратларда: сессия ишидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми эканини инобатга олган ҳолда, бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

— давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг, хусусий корхона ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган, якка-ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ҳар бир инсон учун қанот ва таянч бўладиган оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар, аваламбор, ишсизлик масаласини ҳал этиш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан аниқ режаларни белгилаш;

— юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга баҳолиқудрат ҳисса қўшишга сафарбар этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш;

— одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш;

— меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиладиган тадбирлар тизимини тайёрлаш;

— жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (М.Нурмуродов) ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (О.Обидов) амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари, республиканинг кам таъминланган фуқароларига қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағни излаб топиш ва унинг манбаларини белгилаш юклатилсин.

4. Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ва ташкилотлар, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармалар раҳбарларига юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Республика комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни 2004 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёевга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида амалдаги қонун талаблари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда «Фуқаролар йиғинлари тўғрисида»ги намунавий низомни тасдиқлаш топширилсин.

7. Ҳар бир вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида комиссиялар тузилсин ва улар 15 кун муддат ичида дастурга оид ўз таклиф ва тавсияларини Республика комиссиясига тақдим этсин.

8. Республика комиссияси «Меҳр ва мурувват йили»нинг комплекс дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь

ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ ЭЪТИҚОД

Ўзбекистонда диний эътиқод эркинликларини кенгайтириш ва миллий-маънавий қадриятларни тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида хориж оммавий ахборот воситаларида турли ахборот ва мақолалар босилмоқда. Хусусан, Мисрдаги энг нуфузли ва етакчи даврий нашрлардан бири «Ал-Аҳром» газетасида Ўзбекистондаги диний аҳвол ҳақида маълумот берувчи «Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий номли ўқув стипендиялари» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Мақолада Ўзбекистон ҳукуматининг диний ўқув юртлар талибларини қўллаб-қувватлаши, хусусан, оддий стипендиялар билан бир қаторда аълочилар учун Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий номидаги иккита имтиёзли стипендия берилиши қайд этилган. Унда Ўзбекистон вакилларининг Саудия Арабистонида Қуръони каримни тиловат қилиш бўйича ўтказиладиган йиллик мусобақаларда иштирок этиши, масжидлар ҳузурида диний адабиётлар тўпланган кутубхоналар ташкил этилиши, мусулмонларнинг диний маросимларни ҳур адо этиши таъкидланади.

«Ал-Аҳром» газетасида чоп этилган бу мақола Миср мутахассислари эътиборини ўзига қаратди. Хусусан, нуфузли Ал-Аҳзар университетининг талабалар билан ишлаш бўйича проректор ёрдамчиси ва Айн Шамс университетининг тил факультети декани Ўзбекистоннинг Мисрдаги элчихонаси билан боғланиб, ёш илм толибларининг Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизий каби буюк уламолар номидаги стипендия билан рағбатлантирилиши ҳукуматнинг дин соҳасига катта эътибор қаратаётганидан далолат беришини таъкидлашган.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси У. Исроилов ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Кувайт Давлатидаги элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Кувайт Давлати амири Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ал-Сабоҳга ишонч ёрлиқларини топширди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.

Кувайт Давлати раҳбари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайишига ҳар томонлама кўмак беришини таъкидлади.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚИШОЛДИ ТАШВИШЛАРИ»

Аҳолини табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил сентябрдаги қарорига мувофиқ фаолият олиб борилмоқда. Мазкур қарор «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясига қарашли газ тақсимлаш станцияларининг ёқилғи ўтказиш қувватларини лойиҳавий параметрларга етказишни таъминлаш, келишилган параметрли босимда оқувчи газни ўрнатилган графикда қабул қилишга тайёргарлик тўғрисида эди.

Қарорнинг ижроси учун ўтган иситиш мавсумларида тўпланган тажрибага суянган ҳолда «Қорақалпоқгаз» «Ўзтрансгаз» билан ҳамкорликда қатор тадбирлар — газ тармоқлари, газ оқимини тартибга солувчи станция ва пунктларни рўйхатдан ўтказди, уларнинг ҳолати кўзда тутилаётган босимга мувофиқлаштирилди.

Аҳолини узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида 26,7 км.ли тармоқда капитал таъмирлаш ва тиклаш, 4 км.да халқа газ тармоғини яратиш, 4960 та газ оқимини тартибга солиш пунктлари иши кўздан кечирилди.

Шу кунларда «Ўзтрансгаз» магистрал қувурларда оқаётган ёқилғи босимини келишилган параметрларда ушлаб турибди, газ билан таъминлашда барқарорлик бор.

Б.КДИРНИЁЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси биринчи ўринбосари

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ДАВОЛАНИБ ҚАЙТДИЛАР

Ўтган йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ўртасида оғир бемор болаларни Европа давлатларида даволаш дастури бўйича уч томонлама шартнома имзоланганди.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ўз ҳисобидан болаларни стационар ва жарроҳлик усулида бепул даволашни зиммасига олган Европа клиникалари билан мустақил ҳамкорликка эга. Даволанишга муҳтож дардман болалар аввало кам таъминланган оилалардан олинади.

«Фриденсдорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти 1962 йилда ташкил топган ва ўз фаолиятини 25 тадан ортиқ мамлакатда амалга оширмоқда. Дастур бўйича Германия клиникаларида ўзбекистонлик 28 бола даволанмоқда. Бу болаларнинг 15 нафари Германияда реабилитация ва операция назоратидан ўтиб қайтган. Яқинда эса яна шу мамлакатда даволанган болаларимиз Франкфурт авиалайнерида Тошкент халқаро аэропортига келиб тушдилар. Улар, яъни Гулчеҳра Тиллахўжаева билан Зиёда Султоновалар 2003 йил февралда, Баҳодир Ҳамроев, Дилрабо Акбарова, Мирзабек Ғиёсовлар эса шу йилнинг августида даволаниш учун юборилганди. Барча болалар операциядан кейинги тикланиш жараёнини ўтаб, юртларига соғлом бўлиб қайтдилар. Ҳозир яна 8 нафар болажон Европа клиникаларида даволанмоқда.

Анвар МИРЗО

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР БЮРОСИ ИЖРО КОМИССИЯСИГА САЙЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасидан хушхабар келди. Парижда Халқаро кўргазмалар бюроси Бош Ассамблеясининг 134- сессиясида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон ХКБ Ижроия комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу ташкилот 91 давлатни қамраб олиб 12 аъзо давлат таркибидаги Ижроия комиссияси унинг олий органи сифатида дунё узра бутунжаҳон ва мавзуий кўргазмаларни ўтказиш масалаларини ҳал этади.

Франция, Бельгия, Италия, Швейцария, Канада ва Россия каби дунёнинг етакчи мамлакатлари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг ушбу Ижроия комиссиясига сайланиши давлатимизнинг бутунжаҳон миқёсда нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

«Жаҳон» АА

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА



Навоий вилоят божхона бошқармаси жамоаси мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш. Ноқонуний йўллар билан товар-моддий бойликларни мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ёки тақиқланган буюмларнинг қонунга хилоф равишда олиб кирилишининг олдини олиш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Айниқса, бу борада Навоий шаҳридаги 1-Тинчлик божхона маскани жамоаси олиб бораётган ишлар самарали бўлмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн ойида 15 миллиард сўмлик божхона тўловлари тушуми тушурилди. Кўрсатилган хизматлар эса 11,5 миллион сўмни ташкил этди. Шу давр мобайнида 67 та божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 3,9 миллион сўм жарима ундирилди.

Суратда: божхона маскани бошлиғи, ички хизмат капитани Шодибек Ўнгаров (ўртада) ҳамкасблари билан галдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Инсоннинг биринчи тарбиячилари ота-онаси ва ҳаёт ҳақиқати бўлса, ундан кейинги тарбиячиси китоб эканлиги минг карра исботланган ҳақиқатдир. Китобни донишмандлар чинакам сеҳргар, илоҳий қудрат манбаи деб баҳолайдилар. Чунки инсониятни эзгуликка бошлаётган Забур, Таврот, Инжил ва Қуръони карим ҳам китоблардир. Китоб бўлганда ҳам муқаддас китоблардир.

Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон «Китоблар замон долғаларида сузувчи ва ўзининг қимматбаҳо юкини авлодлардан авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир», деганида ғоят ҳақ эди. Инсоният яратган нодир тафаккур хазиналарини даврларга элтувчи китоблар авлодларни тарбиялайди, уларни эзгу амалларни эгаллашлари учун беназир хизмат қилади. Китоблар мана шу хислатлари билан тараққиётга ҳисса қўшади, уни тезлаштиради. Жумладан, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Имом Бухорийнинг минг машаққатлар билан тўпланган одоб дурдоналари, Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний»си, Ал-Хоразмийнинг Ал-Жабрга оид буюк тадқиқотлари ва бошқа кўплаб кашфиётлар бизга қадар китоблар орқали етиб келган.

Ҳар қандай тараққиёт, аввало, уйғонишдан бошланган. Уйғониш эса, билим ўрганиш, китоблар ўқишдан бошланган ва ҳаётга нисбатан ёндошишлар ўзгаргани билан китобга бўлган муносабат ўша-ўшалигича қолиб кетмоқда. Яъни китоб ҳаётдаги муаллимлик ўрнини деярли ўзгартиргани йўқ. Китоб билан ҳар бир одам юзма-юз мулоқотда бўлиши, у билан алоҳида сирлашиши, мутолаа қилиши зарур. Шундай экан, бугун кутубхоналаримиз давримизнинг муносиб кишиларини тарбиялайдиган муҳим масканлардан бири бўлиши зарур.

Кутубхоналарнинг ишини йўлга қўйишдан илгари ёшларимизнинг, биринчи навбатда болаларимизнинг китобга бўлган муносабатларини тарбиялашимиз керак. Аввало, ишни эртакларни ўрганиш, ўқиб, айтиб беришни ўзлаштиришдан бошлашимиз шарт. Кейинчалик саргузашт, сўнгра ҳикоя ва қиссаларга ва ниҳоят жиддий романларга ўтиш имкониятлари туғилади. Болаларимиз китоб қаҳрамони билан, китоб ўқиб туғалланганига қадар бирга яшай олиши, яъни биргаликда интилиши, биргаликда қувониши, изтироб чекиши зарур. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида сандалнинг четида, чироқнинг хира ёғдусида ўқилаётган халқимизнинг шеърий достонларини мактаб ўқувчилари гоҳ лабда кулгу, гоҳ кўзда ёш билан тонггача тинглар эдик. Шеърий сатрлар тасаввуримизни, фантазиямизни жунбушга келтирар эди. Лабуленинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир: «Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади».

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 4 ноябрь кунги сонида эълон қилинган «Кутубхона: муаммо, мулоҳаза, таклиф» мақоласида кутубхоналаримиздаги мавжуд аҳвол бирмунча аниқ акс этиб турибди. Ахир, ҳеч бўлмаганда китобларимизнинг сонига эътибор берайлик! Тўғри, ўтиш даври, деб атамоқдамиз, айни кунларимизни... Ҳамма соҳа ўзини қайта тиклаб оёққа турмоқда. Бироқ аввал иқтисодий томонларга кўпроқ эътибор жалб этилмоқда. Бу ҳам табиий ҳолдир. Бироқ, иқтисодни тиклаш учун билим, заковат керак бўлади. Билим ва заковат эса китоблар ёрдамида қўлга киритилади. Масалага шу таҳлитда ёндошадиган бўлсак, аввало кутубхоналаримизни адабиётга тўлдириш билан шуғулланишимиз зарур эмасми?

Республикамизда етарли даражада кутубхоналар тармоғи шаклланган. Маданият вазирлиги тизимидаги шаҳар ва қишлоқ кутубхоналари кенг қулоч ёйган. Маданият саройлари, клубларда ҳам яхши кутубхоналаримиз бор. Булардан ташқари Касаба уюшмаларининг кутубхоналари ҳам ташкил этилган. Бунинг устига, ҳар бир идорада, билим даргоҳида, ҳатто мактабда кутубхоналар бор. Гап фақат уларнинг фаолият кўрсатишида ва керакли матбуот нашрлари ҳамда китоблар билан таъминланишида қолган. Чунки, ҳаётда китобларга эҳтиёж жуда катта. Одамлар баъзи китобларни, жуда бўлмаганда газета-журналларни қидириб кутубхонага боради. Ўқиш иштиёқидаги одам кутубхонага бир борганда керакли нарсани тополмаса, иккинчи борганда кутубхона ёпиқ бўлса, учинчи марта қидириб борганда янги китоб ҳали келтирилмаганлигининг гувоҳи бўлса, у тўртинчи марта бу даргоҳга умуман қадамини босмайди. Шунинг учун кутубхона хизмати китобхонларнинг эҳтиёжларини, талабларини ва ҳатто феъл-атворларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши зарур. Ваҳоланки, бизда кутубхона учун зарур малакали кадрлар анчадан буён тайёрланиб келинади. Кутубхоналар четда қолган, эътибор ва ҳаётдан узилган соҳа эканини англаган мутахассис ўз соҳаси бўйича ишламасдан, ўзини бошқа соҳаларга уриб кетадилар.

Кутубхона ўз мутахассисисиз мутлақо фаолият кўрсата олмайди. Китобхон билан муомала қилишнинг ўзи катта билим ва маҳоратни талаб этса, китоб танлашнинг ўзи эса катта тажрибани тақозо қилади. Китоб танлаш тўғрисида гапирганда италян шоири Франческо Петрарканинг қуйидаги гаплари ғоят ўринлидир: «Фақат яхши китобларнигина ўқиш, маъносини идрок этишга арзигулик: мияни дуч келган китоблар билан озиқлантириш уни ўз парвозидан маҳрум этиш, ҳатто нобуд қилиш, демакдир». Агар бу сўзларнинг маъносини англаб олсак кутубхона очиш қанчалик зарур бўлса, бу ерда мутахассиснинг фаолият кўрсатиши ундан ҳам муҳимроқ эканини дарҳол тушуниб етамиз. Биз халқимизнинг саводхонлигини ўйлайдиган бўлсак, ана шундай муаммоларимиз — яъни кутубхоналарни янги адабиётлар билан мунтазам таъминлаш, мутахассисларни жойжойига қўйиш ва кутубхоналарни ва мутолаа қилинадиган жойларнинг мунтазам фаолият кўрсатиши каби муаммоларни биринчи навбатда ҳал этишимиз зарур.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Буни ҳисобга олиб қишлоқлардаги кутубхоналар ишини қатъий назоратга олиш зарур. Авало ишни кутубхонани доимий очиб туриш ва китоблар билан таъминлашдан бошлаш керак. Тўғрироғи, билим масканлари ҳисобланган кутубхоналарда ҳам бозор иқтисодиёти йўриғи билан бойитиш ва доимий фаолият кўрсатишини таъминлайдиган вақт келди.

Бугунги кунда қишлоқларда ҳам ишлаб чиқариш ёки фермерлик билан шуғулланиб ўзини тиклаб олган тадбиркорлар шаклланди. Бундай фермерлар элимизга мактаблар, шифохоналар, ҳордиқ чиқарувчи масканлар қуриб бераётгани тўғрисида эндиликда ҳар куни эшитмоқдамиз. Бундай ҳожатбарор тадбиркорлар ўзларининг ортиқча маблағларини халқни саводхон қилиш учун асло аямаса керак деб ўйлаймиз. Гап фақат янги кутубхоналар қуриб ёки мавжуд кутубхоналарни очиб тарғибот-ташвиқот ишларини бошлаб юборишда қолган.

Қишлоқ кутубхоналарини жонлантиришга шаҳарлик зиёлилар эътиборини тортиш ҳам бундай хайрли ишни ҳал этишнинг бир яхши йўлидир. Биз шунга аминмизки, агар у чекка жой бўлса ҳам, ҳар бир қишлоқдан зиёли кишилар — адибу олимлар, бастакору меъморлар, етук мутахассислар чиқиб, йирик шаҳарларимизда, жумладан пойтахтимиз — Тошкентда ишлаб юрибдилар. Мана шундай қишлоқлардан чиққан зиёлилар, етук мутахассислар, маданият арбоблари, масъул идора раҳбарлари, амалдорлар китоб билан ошно бўлиши табиий ҳол. Чунки, билимсиз ҳеч ким узоққа бора олмайди. Шундай кишилар ўзларининг шахсий кутубхоналаридаги, ўқиб чиқилган китобларни бўлса ҳам ёки янги нашр қилинган китобларни ўз қишлоқларидаги кутубхоналарга совға қилсалар, бу билан жуда хайрли ишга қўл урган, ёш авлодга ибрат бўлган бўлар эдилар.

Бугунги кунда биз Истиқлолимизнинг ўн учинчи йилида истиқомат қилмоқдамиз. Бу давр мобайнида дон мустақиллигига эришдик, ўзимизни ёқилғи сингари ғоят зарур, ҳатто стратегик ашё билан ўзимиз таъминлай бошладик. Самолёт ва машиналаримиз бугунги кунда чет элларга импорт қилинмоқда. Қисқаси, бировга муҳтож бўлмайдиган даражага эришдик. Шундай экан, энди халқимизнинг оммавий саводхонлигини таъминлайдиган кутубхоналар билан жиддий шуғуллансак, ҳар бир қишлоқдаги, ҳар бир мактаб ва ўқув юртидаги, ҳар бир корхона ва муассасадаги кутубхоналарнинг аҳволига давр ва мустақиллик талаби билан бир назар ташласак, амалга ошириш лозим бўлган вазифаларни белгилаб олсак яхши бўлар эди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз аждодларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросимиз халқимизнинг куч-қудрат манбаи эканлигини фахр билан таъкидлаганди. Ўтган йиллар давомида маънавий юксалиш йўлида мисли кўрилмаган ишлар қилинди. Ватанпарвар, фидойи, маънавияти бутун баркамол авлодни тарбиялашдек олий мақсадлар билан яшаяпмиз. Бу қутлуғ йўлда китоб бизга энг ишончли, оқибатли дўст бўлишига ишончимиз комил.

Сўзимиз сўнггида бир тарихий ҳикоятни эсга олишни хоҳлар эдик. Бухоро ҳукмдорининг боласи оғир дардга чалинади. Уни барча табиблар даволайдилар, аммо бола шифо топмайди. Ниҳоят ҳукмдорга сарой амалдорлари ноилож бир ўспирин табибни дуч қиладилар. У ўғлини даволашига ишонқирамайди. Аммо ёш табиб бор маҳоратини намойиш этади. Ўғли тузалгач ҳукмдор ёш ибн Синога мурожаат этади:

— Тила, тилагингни!

Ибн Сино унга шундай илтимос қилади:

— Олампаноҳ, менга кутубхонангиздан фойдаланишга рухсат берсангиз...

Демак, Ибн Сино кутубхонани катта хазиналардан кўра афзал деб билган. Шунинг учун ҳам у дунёга машҳур аллома бўлиб етишди. Бобур Мирзо ҳам қайси мамлакатга қадам қўйса энг аввал кутубхонага ташриф буюргани тариҳдан маълум.

Биз кутубхоналаримиз аҳволини яхшиласак, мамлакатимиздан Шарқни ҳайратга солган буюк боболаримиз сингари комил зотлар кўпроқ етишиб чиқиши ва улар Ўзбекистон шуҳратини бутун оламга ёйиши шубҳасиздир. Чунки халқимизнинг икки бебаҳо бойлиги бор: бири Ер остида — дафина, бири Ер устида — хазина, бу китоблардир ёхуд кутубхоналардир. Икки мўъжизавий бойлигимизни кўзимиз қароғидек асрайлик!

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикаси
Давлат мукофоти соҳиби

Миллат ва маънавият

ТАФАККУР КЕМАЛАРИ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ УМУМИЙ КЎЛАМИДА ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ ЎРНИ ЎША ХАЛҚ ЎҚИЁТГАН КИТОБЛАРНИНГ СОНИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ».



сир эмас. Илмга, айниқса, китобга эътибор бизнинг юртимизда жуда қадимқадимдаёқ юксак поғонага кўтарилгани, Хуросон ва Мовароуннаҳрда маданият гуллаб-яшнагани бутун дунёга беш қўлдек маълум. Беруний давридаёқ юртимизда мукаммал китоблар яратилган, Ҳазрати Навоий илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига ҳомийлик қилган. Улуғбекнинг Самарқандда тўплаган китоблардан иборат хазинаси довруғи бугунги кунимизгача етиб келган. Ўша даврда Ҳиротда тўпланган жуда бой ва маънавий хазинага — Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонасига Навоийнинг укаси Дарвеш Али бошчилик қилганини яхши биламиз.

Кутубхоналарнинг пайдо бўлиш тарихи мозийнинг жуда узоқ нуқталарига бориб тақалади. Милоддан илгариги VII асрнинг ўрталарида Шарқдаги кўпгина мамлакатлар подшоҳ саройларида сопол ва пергаментга битилган ҳужжатлар тўплами йиғилиб сақланган. Қадимги Миср ибодатхоналарида китоблар тўплаб қўйилган. Улар керак пайтида руҳонийларга хизмат қилган. Дунёдаги энг биринчи йирик кутубхона милоддан аввалги IV асрда Юнонистонда пайдо бўлган. Уни Аристотел ташкил этган. Қадимдан машҳур бўлиб келган бундай хазина Искандария кутубхонасидир. Айни замонда Искандарияда дунёда биринчи марта янги технологиялар асосида меъморчиликнинг энг юксак намунаси бўлган ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган кутубхона бунёд этилди. Ушбу мўъжизавий масканда жаҳонининг энг нодир китоблари сақланмоқда. Ўрта Осиёдаги кўпгина давлатларда, жумладан Сўғдиёнада, Хоразмда III асрлардаёқ бой хазинага эга бўлган кутубхоналар пайдо бўлган.

Кўпгина китоблар манбалари жанг-жадаллар туфайли йўқ бўлиб кетган. Аммо шуни айтиш керакки, ўша пайтда тўпланган китоблар хазинаси Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек сингари буюк сиймоларнинг етишиб чиқишига кўмаклашди. Айни пайтда бу алломаларнинг ўзлари ҳам кутубхоналарга ҳомийлик қилишган, уларни бойитишган.

Бизнинг мозий билан орамизни кўплаб асрлар ажратиб турибди. Қўлда битилган ва тошбосма китоблар ўрнини электрон матнли китоблар эгалламоқда. Илдам арғумоқлар ва кабутарлар орқали амалга ошириладиган алоқалар космик муносабатлар билан алмашинди. Шунчалик ўзгаришлар рўй бергани билан, инсоний муносабатлар Алпомиш ва Гўрўғли билан биргаликда, гўё тилак, орзулар учун жангга киришар эдик, ғиркўкларда само бўйлаб парвоз этардик. Достон қаҳрамонининг ютуғи бизнинг ютуғимиз, ғам-қайғулари эса бизнинг азобларимиз бўлиб кўринарди, шунинг учун ҳам улар билан йиғлаб, улар билан бирга шодланар эдик.

Китоб ана шундай ўқилганда инсон тафаккурини бойитади, воқеликни қабул этиш ва ундан таъсирланишга ўргатади. Яна қайтариб айтамизки; бунинг учун китобни берилиб ўқиш керак. Китобни ўқишдан лаззатланадиган одамгина ҳар қандай томошалардан завқ олишни ўрганади. Мутахассисларнинг айтишларига қараганда, китоб сатрларидан тафаккур оладиган, воқеаларни кўз олдига келтириб, ундан таъсирланадиган кишиларгина театрнинг яхши томошабинлари ҳисобланар экан. Китоб ўқимаган, сўзлардан таъсирланишга ўрганмаган одам театрдаги воқеликка кириб бора олмай, уни артистларнинг сохта томошаси, деган фикрдан нари ўтолмас экан. Китоб мутолааси кишида завқ олиш борасида янги уфқларни очиши ва бу завқ ва ёвузликнинг устидан яхшиликнинг ғалабасидан бир умр руҳий озиқ олиб юришга ўргатиши мумкин экан.

Бу ўринда минг афсуслар билан таъкидлаш керакки, ҳозирги болаларимиз орасида ўрта мактабни битта китобни тўлиқ ўқиб чиқмасдан битириб кетётганлари оз эмас. Учрашувда улардан «Фалон китобни ўқиганмисиз?» деб сўрасанимизда кўпчилик «киносини кўрганман» ёки «телевизорда театрини кўрганман» деб жавоб беришганининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто энг теран орзулар ва оддий донишмандлик билан лиммо-лим тўлиқ «Ўзбек халқ эртаклари»ни охиригача ўқиб чиқмаган ўқувчилар бор. Китоб билан юзма-юз тиллашиш учун кино ёки бошқа саҳна асарлари тўсиқ бўлмаслиги зарур. Масалан, бутун бошли бир романни ҳар қандай буюк режиссёр ҳам бир ярим соатлик экран ёки саҳнага жо эта олмайди. Китобда ҳолатлар ва ҳистуйғулар сўз асосида теран таърифини топади. Китобхон ундан жуда кенг кўламдаги таърифини олади. Шунинг учун ҳам тафаккурни, айниқса фантазияни тараққий эттиришда китобнинг ўрни ўзгачадир. Китобдан чинакам завқ ола биладиган инсон театр ва кино томошалари қадрига янада кўпроқ етади. Бир сўз билан айтганда, китоб жамиятнинг илғор кишисини тарбиялашда беқиёс қудратга эгадир. Шу ўринда француз публицисти, олими ва сиёсий арбоби Эдуард Эррио шундай деган эди: «Кимки ўзининг ва болаларининг келажагини ўйласа, ўзининг ва болаларининг ақлий ривожланишини истаса, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ёритишни истаса, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ёритишни истаса, ўзининг ва болаларининг ҳаётини ёритишни

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

ФАОЛЛИК ВА МЕҲНАТ ҚАДРИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига ва Олий Мажлис Кенгашининг тегишли қарорига мувофиқ маҳаллаларда сайловлар ўтказилмоқда.

Пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги «Пахтакор» маҳалласида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш масаласига ўта жиддий ёндашилди. Маҳаллада тузилган ишчи гуруҳ томонидан октябрь ва ноябрь ойларида кўчалар бўйича фуқаролар йиғилишлари ташкил этилиб, уларда маҳалланинг умумий мажлисида иштирок этиш учун фуқароларнинг вакиллари сайланди. Бунда турли тоифа ва табақаларнинг манфаатларини тенг ифодалайдиган кишиларни сайлашга эътибор берилди.

Мазкур йиғилишлар иштирокчилари сайланган вакилларга ўз таклиф-истакларини, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тушган таклифлар асосида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига олий маълумотли, ташкилотчилик кўникмаларига, раҳбарлик қобилиятига, маҳаллада обрў-эътибор ва ҳурматга эга, ташаббускор, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитида ишлашга лойиқ шахслар орасидан учта номзод кўрсатилди.

Маҳаллада бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғинида фуқаролар вакиллари этиб сайланганларнинг қарийб 98 фоизи, 58 нафар фуқаро эса кузатувчи сифатида қатнашди.

Ҳозиргача маҳалла оқсоқоли вазифасини вақтинча бажариб келаётган Равшан Атаматов ўтган сайловлардан кейинги давр мобайнида маҳаллада амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бериб, фуқаролар йиғини фаолиятини таҳлил қилди.

Ҳисоботда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида қилинган ишлар, жумладан, уруш қатнашчилари, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришнинг тўғри ташкил қилинганлиги, икки ёшгача бўлган болаларга ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган ёшларга давлат томонидан белгиланган нафақаларнинг вақтида берилиши назоратга олинганлиги, қариялар ва бева-бечоралар ҳолидан мунтазам хабар олинаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Маҳалла аҳолисининг кўпчилиги оқсоқолнинг ташаббуси билан уюштирилган ҳашарларда қатнашди. Натижада, кўча ва майдонлар тозалиги таъминланди, кўплаб дарахтлар ўтқазилиб, гуллар экилди. Кўчаларда йўловчиларнинг бемалол ва бехатар юришлари, транспорт воситалари ҳаракати учун имкониятлар яратилди. Маҳалладаги марказий Мирзо Улуғбек шоҳкўчаси кўркига кўрк қўшилди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари диққат марказида турган муҳим масалалардан бири аҳолининг, хусусан оилаларнинг тинч-тотувлигини таъминлашдир. Баъзан айрим оилаларда келишмовчилик ва низолар келиб чиқиши ҳам табиий ҳол. Маҳалла фуқаролар йиғини қошида тузилган яраштириш комиссияси оиладаги низоларнинг сабабларини холисона ўрганиш ва уларни бартараф этиш билан жиддий шуғулланди. Натижада бир неча оилалар бузилишининг олди олинди.

Маҳаллада истиқомат қилаётган болаларни ва ёшларни соғлом ва билимли қилиб тарбиялашда оилалар, мактаб ва ўқув юртларига кўмаклашиш оқсоқол ва унинг ёрдамчилари назаридан четда қолгани йўқ. Маҳалла ҳудудидаги мактаб ва коллежнинг педагогик жамоалари ҳамда ота-оналар билан биргаликда ёшлар орасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Кўпчилик ёшлар спорт тўгаракларига қатнашадилар. Маҳалланинг футбол жамоаси шаҳар биринчилигида ғолиб бўлди.

Йиғилиш иштирокчилари маҳалла оқсоқолининг ҳисоботи ва тафтиш комиссияси раисининг ахборотидан сўнг, ўз чиқишларида йиғин раҳбарияти фаолиятини маъқуллаб, камчилик ва нуқсонларни кўрсатдилар, маҳалланинг янги сайланадиган раҳбарларига маслаҳатлар бердилар.

Йиғилиш сўнггида очиқ овоз бериш тарзида ўтказилган сайловда фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган номзодлар орасидан Р.Атаматов маҳалла раиси (оқсоқоли) этиб сайланди.

Қодир ОДИЛОВ,
Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги Эксперт-лар гуруҳи аъзоси,
Тошкент шаҳар, «Пахтакор» маҳалласи фаоли.

САЛ КАМ ЧОРАК АСРДАН БЕРИ

XORIJDA

Миср ва Эрон давлатлари бошлиқлари икки томонлама муносабатларни йўлга қўйиш борасида сал кам чорак асрдан бери энди учрашдилар, дея хабар беради ВВС. Хусни Муборак ва Муҳаммад Хотами учрашувлари Женевада — БМТнинг ахборот технологиялари саммити доирасида бўлиб ўтди. «Бу Миср ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқаларни тиклашда ўзига хос улкан қадамдир. Ўйлайманки, бу қадам охиргиси бўлиб қолмайди, янада жипслашув қадамлари ташланади, деган умиддаман», деди Эроннинг вице-президенти Муҳаммад Али Абтахи.

Эслатиб ўтамиз: Миср ва Эрон ўртасидаги дипломатик алоқалар 1979 йили Эрондаги ислом инқилоби ғалабасидан сўнг узилган эди.

Эрон Ислом Республикасининг ўша пайтдаги етакчиси Оятулло Хумайни Мисрнинг Кэмп-Дэвид битимини ҳамда Исроил билан тинчлик шартномасини имзолашига қатъий қарши чиққан эди.

ҲАРБИЙЛАРНИ ЖЎНАТМАСЛИККА ЧАҚИРДИ

Хитойда инглиз тилида чоп этиладиган China Daily газетаси маълум қилишича, Хитой Японияни Ироққа ҳарбий қўшин жўнатишга шошилмасликка, бу масалани қайта кўриб чиқишга чақирди. Газетада ёзишларича, Ироққа тинчлик мақсадларида жўнатилаётган ҳарбийлар жанговар ҳаракатларга ҳам жалб этилиш ҳолатлари юз бериши мумкин.

Маълумки, Япония узоқ вақтдан бери Ироққа ўз ҳарбийларини жўнатишга ваъда бериб келмоқда эди. Аммо, бу масала бир неча марта қолдирилди. Негаки, Ироқда вазият кескинлигича турибди. Лекин ноябрнинг охирларида Япониянинг ҳарбий экспертлари Ироққа махсус бориб, вазиятни ўрганиб қайтдилар ва бу тўғрида мамлакат бош вазири Дзюнъитиро Коидзумига ахборот бердилар. Қисқаси, ҳукумат ҳарбийларни жўнатишга қарор қилди: фақат улар Ироқни қайта тиклаш ишларида қатнашиш шарти билан.

Эслатиб ўтамиз: мамлакат ҳарбийларининг ўзга юртлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этиши Япония Конституциясида тақиқланади.

Яқинда эса Япония парламенти Форс кўрфазига ҳарбийлар жўнатиш масаласини маъқуллади.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ОПЕРАЦИЯ

АҚШ томонидан бошқарилаётган Афғонистондаги антитеррор коалиция кучлари Пақтия музофотининг жануби-шарқий ҳудудида толибонлар ва уларнинг ифтифоқчиларига қарши кенг қамровли операцияни давом эттирмоқдалар. Бу ҳақда Покистон давлат радиоси хабар тарқатди.

Юзлаб ҳарбийлар Зармат шаҳридаги барча мавзеларда текширув ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, Хост, Пактика ва Забул музофотларида ҳам операция давом эттириляпти. Кунар, Нуристон музофотларида эса «Тоғдаги жасорат» дея аталган ҳарбий «тозалов» рейди 7 ноябрдан буён ўтказилмоқда.

СЕМИРИШГА ҚАРШИ

АҚШ сенати мамлакатда семириш эпидемиясига қарши кураш чораларини белгиловчи янги қонун лойиҳасини қабул қилди, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги.

Мазкур ҳужжатга кўра, соғлом турмуш тарзи дастурини ишлаб чиқишга 60 миллион доллар ажратилади. Бундай дастур биринчи навбатда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилади, яъни овқатланиш тартиби ва жисмоний машқлар меъёрини қамраб олади.

Мазкур қонун кучга кириши учун уни эндиликда вакиллар палатаси ва мамлакат Президенти ҳам маъқуллаши лозим.

Шифокорларнинг эътироф этишича, АҚШда диабет (модда алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва сийдикнинг кўпайиши билан кечадиган касалликлар номи) ҳамда атеросклероз (юрак ва қон томирлари склерози, артериосклерознинг энг кўп учрайдиган тури) касалликларининг тарқалишига айнан семириш сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда АҚШда катта ёшдагиларнинг 60 фоизи, болаларнинг эса 13 фоизи айнан семизлик «касали»га мубтало бўлган. Шу семизликни «кўтаролмай» мамлакатда йилига 300 минг киши ҳаёт билан видолашмоқда.

ИККИ КУНЛИК САММИТ

Кеча Япония пойтахти Токиода АСЕАН давлатларининг икки кунлик саммити бўлиб ўтди. Саммит иштирокчилари сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик борасида ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

Kyodo агентлигининг хабарига кўра, Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН) таркибидаги ўн мамлакат — Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ва Филиппин билан Япония ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам ҳужжатлар имзоланди. Мазкур мамлакатлар етакчилари терроризм, қароқчилик, одам сотиш ва гиёҳвандликка қарши курашда ҳамкорликда янги услублар ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

171 МИЛЛИОН ДОЛЛАР КЕРАК

БМТ Бутундунё озиқ-овқат дастури доирасида Шимолий Корея аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун донор мамлакатларни қўшимча 171 миллион доллар ажратишга чақирди. Ҳозир Шимолий Кореяда нархларнинг либераллашуви ва иқтисодий ислоҳотлар бошлангани боис пул қадрсизланиши ҳамда озиқ-овқат қимматлашуви юз бермоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат дастури ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталаридан эътиборан Шимолий Кореяда ҳам амалга оширилмоқда. Шу кунларда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви оқибатида дастурни қўшимча молиялаш талаб этилмоқда, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Жаҳон халқлари урф-одатлари

МИСР ТЎЙЛАРИ

Узоқ йиллар Қизил ва Ўрта Ер денгизи соҳилларида жойлашган эҳромлар мамлакати Мисрда оила қуриш мураккаб бир муаммога айланиб келди. Бунинг сабаби — йигит ва унинг ота-онаси уйланиш даврида мушкул ва масъулиятли мажбуриятларга дуч келарди. Бундай тўсиқлардан бири тўйнинг катта харажатлар эвазига ўтиши эди. Ёшлар йиллаб қалин пули йиғишар, унинг миқдори жуда катта ва ҳатто, айрим пайтларда тилло зеб-зийнатлар шаклида ҳам бериларди. Оилавий турмуш тарзи ҳам бу мамлакатда ўзига хос анъаналарга эга. Жумладан, шаҳарликлар ўғил уйлантириб, мустақиллик бериш учун уларни алоҳида чиқариб юборишга ҳаракат қилишади. Ҳар ким ўз имкониятларидан келиб чиқиб, янги оилага турлича ёрдам кўрсатишади.

Қишлоқ ҳаёти эса кўпинча катта оила учун мослашгандир. Шу боисдан улар ёшларга кичиккина хона қуриб бериш билан чегараланишади. Ижарага уй олиб бериш бойбадавлат одамларнинггина қўлидан келади. Чунки кичкинагина бир хоналик алоҳида уй ўттиз беш минг жунайҳдан кам турмайди. Дорилфунунни битириб, ҳукумат идораларида ёки хўжаликнинг давлат бўлимида ишлайдиган йигитнинг дастлабки маоши 100 жунайҳга ҳам етмайди. У ҳатто 200 жунайҳлик ишга ўтганда ҳам уйланиш учун қирқ йил пул йиғиши керак бўлади!

Боз устига, тўйдан кейин янги уйни керакли рўзғор анжомлари билан жиҳозлаш ҳам куёвнинг зиммасига тушади. Бу ҳам катта маблағ талаб қилади. Ана шу ҳолатни ўрганиб чиққан Мисрдаги ижтимоий масалалар бўйича тадқиқот олиб борадиган илмий марказ уйланадиганларнинг кўпчилигига ота-онаси, қариндош-уруғлари ёрдам бермаса, йигитлар уйланишга қодир эмаслар, деган хулосага келган эди.

Тўй ўтказиш анъаналари ҳам турлича, бир-бирига асло ўхшамайди. Айниқса, бойларнинг тўйи камбағалларнинг тўйидан кескин фарқ қилади. Бадавлат киши ўзининг оила қурган фарзанди учун уй олиб бериши, машина билан таъминлаши, дабдабали тўй чиқимларини кўтариши, тўйдан сўнг ҳам ёрдам бериб туришга қодир бўлса, камбағал оила у ёқда турсин, ҳаттоки ўрта ҳол оила ҳам бу чиқимларни кўтариши мушкул. Шундай бўлгандан кейин камбағаллар келин-қуёвга ўз хонадонидан бир хона ажратиб бериб, улар билан бирга яшашга мажбурдирлар.

Олиб борилган социологик тадқиқотлар мамлакатдаги йигитларнинг ўттиз беш фоизи ота-оналари ва қариндошлари ёрдам бермаса, уйлана олмасликларини айтишган. Ўн етти фоизи эса ота-онаси билан туришдан бошқа йўл топа олмай, оқибатда оилавий низоларга дуч келмоқда.

Ижтимоий тадқиқотлар оила қуриш ёши йигитларда ўртача — 26 дан 30 гача, қизларники эса 21 дан 26 га кўтарилганини кўрсатяпти. Бир пайтлар эр-хотиннинг ёши кўпинча беш-ўн йил фарқ қилган. Кейинги пайтда бунга ҳам аҳамият бериш камайган эди. Қиз учун ўзидан ўн беш, ҳатто йигирма ёш катта кишига турмушга чиқиш ҳоллари одатий ҳодисага айланди. Йигит билан қиз фотиҳа қилингандан сўнг тўйгача бўлган муддат бир йилдан ошмаслиги керак. Бу тўйга тайёргарлик кўриш учун зарур. Аммо, кейинги пайтда бу муддат ҳам узайиб, 3-6 йилгача кўтарилиб қолди.

Саксонинчи йилларда Мисрда уйланган йигитларнинг қирқ икки фоизи фақат нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бой араб мамлакатларига бориб ишлаб, пул жамғариб келиш имкониятига эга бўлганлар. Юз минглаб мисрликлар иш излаб ўз она юртидан чиқиб кетишарди.

Мамлакатда сўнгги йилларда бир неча нефть компаниялари иш бошлади. Кемасозлик саноати ва балиқчилик соҳаси равнақ топа борди. Одамлар қўшимча иш билан таъминланди. Бугун Миср Араб Республикасида 60 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Биргина Қоҳирада 15 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ
Хорижий манбалар асосида тайёрлади

Арктика. Табиат мўъжизаси.

Таълим ва ислоҳот

ЎҚУВ ҚАЙДА БЎЛСА УЛУҒЛИК БЎЛАР...

Фарзанд — умрнинг безаги. Унинг камолоти нафақат одобахлоқи, балки сиҳат-саломатлиги билан ҳам белгиланади. Боланинг соғломлигини таъминлаш, уни назорат қилиш эса жонкуяр шифокор-педиатрларнинг зиммасида. Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида ана шундай мутахассисларни тарбиялаш учун керакли шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида қилинаётган ислоҳотлар натижасида атиги бир неча йил ичида қўлга киритилган ютуқларни собиқ иттифоқ даврида тасаввур ҳам қилолмасдик.

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги (1998 йил 10 ноябрь) ва «Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2003 йил 26 февраль) Президент Фармонларидан сўнг бундай масканларни барпо этиш, уларни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш билан бирга, малакали кадрлар тайёрлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни Самарқанд давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультети мисолида ҳам кўриш мумкин.

Факультетнинг ташкил этилганига яқинда 40 йил тўлди. Эндиликда бу ер фақатгина педиатрлар тайёрлайдиган маскан эмас, балки йирик ўқув ва илмий-педагогик база сифатида ҳам маълум.

Бу даргоҳда шу кунгача 11 мингдан ортиқ педиатр, болалар жарроҳлари, болалар юқумли касалликларини даволовчи шифокорлар етишиб чиқди.

Факультетда илмий-тадқиқот ишлари, илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш амалиёти яхши йўлга қўйилган. Бу ерда илмий иш билан шуғулланаётган мутахассислар она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволашдек долзарб муаммолар устида муайян изланишлар олиб бориб, тиббиётда бугунги кунда ўта муҳим бўлган айрим касалликларни даволашда самарали ютуқларни қўлга киритишмоқда.

— Кейинги 5 йил мобайнида факультетимиз олимлари томонидан олиб борилган бир қанча изланишлар ўз самарасини берди, — дейди факультет декани Эргаш Қобилов. — Шулардан 25 га яқин тадқиқот Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида эътироф этилди.

Сўнгги йилларда институт маъмуриятининг ташаббуси билан факультет талабалари болалар жарроҳлиги бўйича Минск, Самара, Смоленск, Уфа ва Пермь шаҳарларида бўлиб ўтган талабалар анжуманларида иштирок этиб, медаль ва дипломлар билан тақдирландилар. Хусусан, институтнинг энг фаол талабаларидан Президент стипендияси соҳиби Камила Ляпина, Ибн Сино номидаги Давлат стипендияси совриндори Ўткир Шотиев каби ёш мутахассисларнинг болалар ички касалликлари бўйича олиб бораётган тадқиқотлари хорижлик олимлар томонидан ижобий баҳоланганлиги қувонарли.

Бир сўз билан айтганда, факультетда бўлажак шифокорлар савиясини оширишда барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Донишмандлар ўгитларида келтирилганидек: «Ўқув қайда бўлса улуғлик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар». Ушбу ҳикматдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур даргоҳда талабаларга фақатгина билим бериб қолмасдан, уларнинг онгу шуурига «шифокор» деган олий сўзнинг маъносини ҳис этиш туйғуси ҳам чуқур сингдирилади.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЕТТИ ГЎЗАЛ» ҲИНДИСТОНДА

Ўзбек халқи қадимдан адабиёт, санъат, маданият, илм-фан ҳамда халқ амалий санъати дурдоналари, айниқса, жозибали рақс ва куйлари билан дунёни ром этиб келган. Бу заминдан етишиб чиққан Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Таваккал Қодиров каби ўлмас санъаткорлар ўзбек санъатини дунёга танитганлар. Бугунги кунда ҳам кўплаб ёшларимиз устозлар изидан бориб, санъатимизни жаҳонга олиб чиқмоқдалар. Ана шундайлардан бири Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбекрақс» Миллий бирлашмаси қошидаги «Етти гўзал» ансамблидир.

Бугун «Етти гўзал» жамоаси Марказий Осиё халқлари фольклор санъати доирасида ўн кун давомида бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда иштирок этиш учун Ҳиндистонга жўнаб кетишади.

— Биз бу фестивалда ўз дастурларимиз билан биргаликда халқ амалий санъати дурдоналаридан миллий каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, атлас буюмлари, миниатюра санъати намуналарини ҳам намойиш этмоқчимиз, — дейди гуруҳ бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Юнусова. — Бундан ташқари, сурхондарёча, бухороча ва хоразмча рақсларимиз ҳамда дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқларимиз ҳам фестиваль иштирокчиларига манзур бўлади, деган умиддамиз. Мақсадимиз ўзбек халқининг миллий урф-одатлари, маданияти маънавий турмуш тарзи ҳамда миллий мусиқа ва рақс санъатини дунё халқлари олдида намоён қилиш.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БИРЖА САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, «Дилкаш» кўчаси, 2-уй манзилгоҳида жойлашган, «ТАШИНТЕРМ» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбек-Хитой қўшма корхонасининг Низом жамғармасидаги 58,0 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 1040909245 сўм ёки 1068619 АҚШ доллари.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Проектная кўчаси, 1а-уй манзилгоҳида жойлашган. «MADANIY QURILISH» шўъба корхонаси.

Бошланғич нархи — 15432830 сўм ёки 15828 АҚШ доллари.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркор жаноблар, барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари!

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 6 декабрдаги 143-144-сонида берилган реклама эълонига қўшимча равишда маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорини бажариш мақсадида Давлат тендер комиссиясининг 2003 йил 6 ва 27 октябрдаги мажлис қарорларига мувофиқ тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни, инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича танлов савдоларини ўтказади.

Қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари 2003 йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтади:

1. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган, 9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майдони 5835 кв. метрга тенг бўлган, 1983 йилда қуриб ишга туширилган, 7-сон ётоқхона биноси.

2. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарбоза кўча, Аричний берк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2146 кв.метрга тенг бўлган, 1935 йилда қуриб ишга туширилган 29-сон болалар боғчаси биноси.

Агарда юқоридаги объектлар бўйича 2003 йилнинг 25 декабридаги танлов савдосига харидорлар томонидан аризалар тушмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдоси 2004 йилнинг 6 январида бўлиб ўтади.

Қуйидаги объект бўйича танлов савдоси 2004 йилнинг 6 январида бўлиб ўтади:

— «Ўзсутгўштмахсусавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган «Тошкент 3-автокорхонаси».

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни а) ариза ҳужжатлари тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлари тўплами; в) молиявий таклифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг кафолат хати).

2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.

3. Олинаётган сармоя мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.

4. Бизнес режа.

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижлик ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар 2003 йил 25 декабрь ва 2004 йил 6 январь кунлари, соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй. Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

Анжуман

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика қўғирчоқ театрида «XXI аср Ўзбекистон қўғирчоқ театр санъати истиқболи» мавзуида семинар-кенгаш иш бошлади. Унда республикамиздаги мавжуд 11 та қўғирчоқ театрлари актёр ва режиссёрлари, соҳа мутасаддилари, санъатшунослар иштирок этмоқда.

Ушбу семинар-кенгаш Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади қўғирчоқ театр санъатининг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, муаммоларни ўрганиш, истиқболдаги режаларни белгилашдан иборат.

Семинарнинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда театр санъатини ривожлантириш учун олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни ва соҳадаги ишларга тўғаноқ бўлаётган айрим муаммолар хусусида тўхталди.

Шундан сўнг ОАВ ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. «Ўзбектеатр» ИИЧБ раҳбари Омонулла Ризаев фарзандларимиз онгига миллий истиқлол ғоясини синдиришда қўғирчоқ санъатининг аҳамияти ҳақида сўз юритди. Бугунги ҳаётимизнинг муҳим қирраларини саҳнада акс эттириш орқали одамларнинг қарашларини миллий ўзанларга буришга доир ибратли фикрлар ўртага ташланди.

Қисқаси, бир неча кун давом этадиган мазкур семинар-кенгаш республикамиз қўғирчоқ театрлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар ясашга туртки беради.

Муҳаммад НАЗАР

Янги китоб

«ТОШГА ТОМГАН КЎЗ ЁШИ...»

Инсон ҳаммавақт энг юксак камолот чўққиларини орзу қилиб яшайди. Унга етишиш йўлида қанчалаб машаққатни ўз бўйнига олади, заҳмату бедор тунларни бошидан кечиради.

Шеърият мана шу сарҳадсиз орзу-ҳаваслар қанотида туғилиб, кўнгил кишисининг руҳ осмонида у билан бирга парвоз этади. Унинг буюклиги, таскин берувчи қудрати шундаки, умр йўлларида сукунатсиз саробга айланиб қолаётган не-не тилакларнинг ҳазин япроқлари янглиғ яна кўнглимиз осмонига тўкилади. Ана шунда юрак тилга киради, юпанчу таскинлардан зада қалб оппоқ қоғоз юзига дардларини суйлайди.

Бугун шеърият, умуман ижод уммонидан ўзининг овозини излаётган истеъдодлар талайгина. Музаффар Жаҳон (асли исми шарифи Музаффар Шаропов) худди шундайлардан биридир. У таҳририятимизнинг Навоий вилояти бўйича мухбири бўлиб ишлайди.

Яқинда шоирнинг бир йўла иккита — «Муҳаббат макри» («Янги аср авлоди» нашриёти) ва «Тошга томган кўз ёши» («Минҳож» нашриёти) номли китоблари чоп этилди. Мазкур тўпламларда Ватан, истиқлол, эл-юрт ишқи, муҳаббат каби инсоний туйғуларни ифода этувчи қисса, ҳикоя ва шеърлар ўрин олган. Улар орқали шоир халқининг оддий бир фарзанди сифатида ўзининг муҳаббатини, инсоф-диёнат, меҳру вафо, садоқат каби қадим анъаналаримиз, шунингдек ижодкорга хос нозик кечинмаларни тасвирлайди.

Қуйида унинг «Муҳаббат макри» китобидан олинган шеърни эътиборингизга ҳавола этамиз.

БОШГА ИШ ТУШСА...

Ўйламасдан қўямиз қадам,
Йўқотамиз гоҳ тўғри йўлни.
Эговлаймиз умрни яна —
Ҳам ўртаймиз баногоҳ дилни.
Жиловлолмай ҳис-туйғуларни,
Шопирамиз бўрон, шамолга.
Асири бўб ғам-қайғуларни,
Етолмаймиз асло камолга.
Бошга агар мушкул иш тушса,
Қалбда алам, юракда тугун.
Дақиқалар елларда учса,
Ўтганини билмаймиз бугун.
Беташвишдир фурсату лаҳза,
Ўрганмаймиз ҳаётни зимдан,
Шу лоқайдлик туфайли бошга
Тушган ишни кўрамиз кимдан?

«Шаҳрисабз вино-ароқ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Шаҳрисабз вино-ароқ» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 10 январь куни соат 10^{00} да жамият мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

1. Ходжаев Бахтиёр Ашуровични жамият раиси вазифасига тасдиқлаш тўғрисида.

2. Бошқарув раиси билан Кузатув кенгаши ўртасида ишга ёллаш шартномасини тасдиқлаш.

3. Бошқарув ҳайъатининг янги таркибини сайлаш.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Манзил:
Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли — 170

Мухлисларга яхши маълумки, футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати 2006 йил Германияда бўлиб ўтади. Шу муносабат билан ушбу мамлакат шаҳарларида мусобақани такрорланмас, ажойиб кўринишда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик олиб борилмоқда.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Германияда ҳар икки ойда нашр этиладиган «Дойчланд» («Deutschland») журналининг навбатдаги сони футбол бўйича жаҳон чемпионатига бағишланди. Мазкур журнал 12 тилда чоп этилади ва дунё мамлакатларига тарқатилади. Журналда катта спорт байрамига бағишлаб қизиқарли мақола, хабар ва суратлар берилган. Жумладан, Германияда жаҳон чемпионатини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар қўмитасининг раҳбари Франц Беккенбауэр шундай дейди: «Ҳозир футбол жамоа аъзолари, расмий доира вакиллари, журналистлар ва бошқа меҳмонларни кутиб олиш учун 35 минг ўринли меҳмонхоналар тайёрлаб қўйилган. Шунингдек, 3,2 миллион билет Франкфуртнинг ташкилий ишлар бўйича марказий қўмитаси томонидан сотувга тайёрланган, 2005 йилнинг бошида билетлар тўлиқ сотувга чиқарилади.

Берлинда Бранденбург дарвозаси қаршисида 20 метр баландликда улкан ойнаванд шар барпо этилди, ҳайратланарлиси шундаки, шар футбол тўпининг акси бўлиб, ҳозир Германияда уни «футбол-глобус» деб аташмоқда. Шарнинг бундай номланишининг боиси, глобус дунё мамлакатлари акс этган харита, демакдир.

Глобусга чироқлар билан безатилган эни уч метрли зинапоядан чиқилади. Глобуснинг очилиш маросими 2003 йил 12 сентябрда бўлиб ўтган эди. Маросимда канцлер Герхард Шредер ва лойиҳа асосчиси Андре Ҳеллер: «Мазкур футбол-глобус немис дарвозалари жаҳон учун ҳамиша очиқ эканлигининг рамзи», дея баҳолашди.

«Deutschland» журналидан Райҳон ХОЛМУРОДОВА таржимаси

Интер-спорт

ФУТБОЛ ЮЛДУЗЛАРИНИНГ ҒАРОЙИБ УЧРАШУВИ

Дунё футболи юлдузлари Зидан ва Роналдо яқин кунларда «Ночорликка қарши матч» деб номланган хайрия учрашуви тақдимот маросимини ўтказишди. Бу футбол-шоу яқин кунларда Швейцариянинг Базел шаҳрида ўтказилади. Майдонга тушадиган жамоалар номлари қуйидагича аталган: «Зидан ва унинг дўстлари» — «Роналдо ва унинг дўстлари». Биринчи жамоага француз Эме Жаке билан испан Висенте дель Боске, иккинчи жамоага бразилиялик Карлос Альберто Паррейра билан Луис Фелипе Сколари мураббийлик қилишади. Қизиғи шундаки, 90 минут давомида оз эмас-кўп эмас 70 га яқин ўйинчининг тўп суриши кўзда тутилмоқда. Улар орасида Дэвид Бекхэм, Луиш Фигу, Майк Оуэнлар ҳам бўлади.

Учрашувга чипталар сотиб бўлинган. Ҳозирча 1 миллион евро ҳисобида даромад кўрилган. Бу маблағ БМТнинг тараққиёт дастурига сарфланади. Учрашув охирида 2003 йилнинг «Энг яхши ўйинчиси» номи ҳам эълон қилинади. Бу номга ҳозирча Зидан, Роналдо ҳамда француз Тьерри Анрилар асосий даъвогар бўлиб туришибди.

25 МИЛЛИОНГА РОЗИ БЎЛМАДИ

«Ювентус» клубининг чехиялик ярим ҳимоячиси Павел Недведнинг агенти билдирган фикрга қараганда, бу футболчини сотиб олиш учун Лондоннинг «Челси» жамоаси 25 миллион фунт стерлинг таклиф этган. Италия чемпионлари эса бунга рад жавобини беришган. «Ювентус» клуби ва айни чоғда Павелга шартномани узайтиришни таклиф этди. Бироқ футболчи бунга рози бўлмади. Павел «Ювентус»да амалдаги шартномада белгиланган 2006 йилгача ўйнашини билдирган.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.

Савол: Мажбуриятлар қандай муддатларда бажарилиши шарт ҳисобланади?

А.Муҳиддинов. Андижон вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 242-моддасига биноан, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса — ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси Қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

Савол: Борди-ю, қарз депозитга қўйилган бўлса, мажбурият қандай тартибда бажарилиши мумкин?

И.Алимардонов. Фарғона вилояти.

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 249-моддасида қайд қилиб ўтилганидек, қарздор ўзи тўлаши лозим бўлган пул ёки қимматбаҳо қоғозларни нотариуснинг депозитига, Қонунда белгиланган ҳолларда эса суднинг депозитига қўйишига ҳақли, башарти мажбурият қарздор томонидан қуйидагилар туфайли бажарилиши мумкин бўлмаса:

1) мажбурият бажарилиши лозим бўлган жойда кредитор ёки ижрони қабул қилиб олиш учун у вакил қилган шахс бўлмаса;

2) кредитор муомалага лаёқатсиз бўлса ва унинг вакили бўлмаса ёки вакил рози бўлмаса;

3) мажбурият бўйича ким кредитор эканлиги хусусида аниқлик йўқлиги кўриниб турган бўлса, хусусан бу ҳақда кредитор билан бошқа шахслар ўртасида низо чиққанлиги муносабати билан;

4) кредиторнинг ижрони қабул қилишдан бўйин товлаши ёки унинг томонидан бошқача йўл билан кечиктирилиши муносабати билан.

Пул суммасини ёки қимматбаҳо қоғозларни нотариус ёхуд суднинг депозитига қўйиш мажбуриятни бажариш ҳисобланади.

Депозитига пул ёки қимматбаҳо қоғозлар қўйилган нотариус ёхуд суд кредиторни бундан хабардор қилади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 164
7619 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

ОСИЁДА БИРИНЧИ, ДУНЁДА ИККИНЧИ

БЎЛГАН БУ ДАРОЗ ЙИГИТ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИЗИРИҚ ТУМАНИДА ЯШАЙДИ

Бу йигит тўғрисида вилоятда кўп эшитгандик. Лекин, тўғриси, бир ишониб, бир ишонмай охири «Истара» ширкат хўжалигига йўл олдик. Исроил Хўшбоқов эндигина 23 ёшга тўлган. Бўйининг узунлиги нақд 2 метру 40 сантиметр. Сурхонда ундан новча одам йўқлиги маълум, албатта. Аммо, мутахассислар айтишича, дунёдаги энг баланд одам Бразилияда истиқомат қилар экан. Унинг бўйи 2 метру 50 сантиметр. Демак, Исроил Хўшбоқов айни кунларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Осиё ва Европада ўзига хос рекордчи ҳисобланади. Шифокорларнинг фикрича, инсон танаси 30 ёшгача ўсишда давом этиши мумкин. Демак, Исроилда дунё рекордчисига тенглашиш имкони бор.

— Тўғри, баъзан новчалигим панд беради — дейди у ҳазил аралаш. — Айниқса, туман марказига боришда соатлаб машина пойлаган кезларим бўлган. «Тико», «Матиз»лар тўғри келмайди. Бошқа ҳайдовчилар эса икки ҳисса йўл ҳақи сўрашади. Ўзимга мос «Жип»им бўлса, дейман... Яна оёқ кийими муаммосидан қийналаяпман. Мамлакатимизда ягона бўлган 65-размерли пойабзални буюртма асосида Андижондан келтирдим. У ҳам оёғимни сиқаяпти. Энди 67-«размер» зарур. Қаерга учрашмай, «бу ўлчамнинг қолипи йўқ», деб жавоб беришади...

— Аждодимизда бўйдор, кўркам кишилар бўлган экан, — дейди дарознинг онаси Норгул опа Хўшбоқова. — Худога шукр, ўғлим соғлом. У туғилганда 6,5 килограмм эди. Беш ойлигида бешикка сиғмай қолди. Исроилжон ўсишда давом этяпти. Ҳар қандай таомни ҳам пақкос туширади. Айниқса, Бойсун ёки Сариосиёнинг ҳисори қўчқор гўшти қовурилса, бир ўтиришда 4-5 килосини кўрдим, демайди. Уч килоли гуруч палови чўт эмас. Гоҳида тандирда ёпилган 5-6 та жайдари нон ва 2-3 литр аччиқ кўк чой билан ҳам қорнини «алдайди». Ҳар икки соатда овқатланишга ўрганган. Исроилжонни уйлантирмоқчи бўлиб юрибмиз. Лекин, келин топилмай турибди...

Суратда: Исроил Хўшбоқов мухлислари даврасида.
Жума БОБОМУРОДОВ олган сурат

Исроил Хўшбоқовнинг қулочи 2 метру 20 сантимерга етади. Вазни — 116 кило. У буюртма асосида тиктирилган 82-ўлчамдаги костюм-шим ва 74-кўйлак кияди. Оёқ таг қисмининг узунлиги 37, эни эса 17 сантиметр. Спорт, айниқса кўпкари унинг жону дили. Югуришни севади. Спиртли ичимлик истеъмол қилмайди, чекмайди. Одамлар билан самимий гаплашади, ҳазилкаш, кўнгли очиқ.

— Ниятим — Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиш, — дейди у.

— Нима бўлганда ҳам паҳлавонимга кўз тегмасин-да, — дейди онаси.

Илоҳим, шундай бўлсин!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, Шавкат ЧОРШАНБИЕВ

Ҳикматли сўзлар маъноси

КИШИ ЮРТИДА ШОҲ БЎЛГУНЧА, ЎЗ ЮРТИНГДА ГАДО БЎЛ

Бу мақол билан ватанни севиш, унга содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади, она-юртнинг ўзга юртлардан ҳар томонлама афзаллиги кўрсатилади. «Киши юртида подшо бўлгунча, ўз юртингда подачи бўл»; «Ўзга элнинг султони бўлгунча, ўз элингнинг чўпони бўл»; «Ўзга юртнинг боши бўлгунча, ўз юртингнинг тоши бўл»; «Бадавлат элнинг беги бўлгунча, бедавлат элингнинг қули бўл»; «Узоқнинг қозиси бўлгунча, яқиннинг тозиси бўл»; «Ёт юртнинг доноси бўлгунча, ўз юртингнинг нодони бўл»; «Чет юртнинг гулидан ўз юртингнинг тикони яхши»; «Ўзганинг тоқу равоқидан ўзингнинг айвонинг яхши»; «Ўз элим ўзимга — гулистон, ўзга эли кўзимга — гўристон»; «Ўзга юртнинг юз баҳори — ўз юртингнинг битта қори»; «Ўз элим — олтин бешик, ўзга элнинг туби тешик» (Бу билан: «Ўз элим мени бешикдан ётган боладай аллалаб, эркалаб ўстиради», дейилмоқчи).

КУЁВНИ ПАЙҒАМБАРЛАР СИЙЛАБДИ

Диний ривоятларга кўра, Муҳаммад алайҳиссалом ўз куёви Ҳазрати Алини ғоят сийлаган. Мазкур мақол шу асосда келиб чиққан бўлиб, уни куёвни сийлаганда ёки сийлаш зарурлигини уқтирганда айтадилар. «Куёв келди — хон келди» деган мақол ҳам борки, бунда қайнота, қайнона, қайноға, қайни, қайнсингил ва умуман куда тарафдагилар куёвни қанчалик ҳурмат қилишлари, у келса, ўтқазгани жой тополмай қолишлари, бамисоли хон келгандек иззату эҳтиром қилишлари ўз ифодасини топган.

КЕТМОННИНГ БОШИНИ БОССАНГ, СОПИ БОШИНГГА ТЕГАДИ

Бу мақол билан: «Сен билан иши бўлмай, ўз ҳолича кетаётган, сенга бирон-бир гапсўз қилмаган, зиён-заҳмати тегмаган одамга ноўрин гап қилсанг, тегажоғлик қилсанг, дилини оғритсанг, бунинг жавобини оласан, қайтага ўзинг гап (ҳақорат) эшитасан, ҳатто калтак ейсан», деган маънода насиҳат қиладилар. «Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди»; «Сен балога тегмасанг, балонинг сенга нима иши бор?»

ТАДБИРКОРЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР, ХОРИЖИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТОРЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 13 августдаги 350-сонли «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан Давлат мулки қўмитаси «OSIYO FOOD» ҳамда «Урай» акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги 25 фоиз давлат улуши акция пакетларини сотиш бўйича 2003 йил 26 декабрь соат 11.00 да танлов савдоси ўтказилишини маълум қилади.

— «OSIYO FOOD» ҳамда «Урай» акциядорлик жамиятларининг 25 фоиз давлат улушини сотиб олиш бўйича танлов савдоларида иштирок этиш учун сотилиши белгиланган акция пакетларининг бошлангич баҳосидан 5 фоиз («OSIYO FOOD» акциядорлик жамияти акция пакети бўйича 3214,0 минг сўм ёки 3299,55 АҚШ доллари, «Урай» акциядорлик жамияти акция пакети бўйича 404205 сўм) миқдорида Қўмитанинг ҳисоб рақамига кафолат маблағи тўлаш;

Қўмита ҳисоб рақамлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Тошкент шаҳар бошқармаси, Ҳисоб касса маркази (21508000500600289001, МФО 00014, ИНН 201122696 махсус ҳисоб рақами ёки 21508840000600289002, МФО 00014, ИНН: 201122696 махсус валюта ҳисоб рақами).

— сотилиши белгиланган 25 фоиз акция пакетини сотиб олиш учун энг юқори баҳони таклиф қилиш;

— акциядорлик жамиятини иқтисодий ривожлантириш бўйича бизнес-режа тақдим этиш;

— акциядорлик жамиятининг бюджет ва бюджетдан ташқари кредиторлик қарзларини, шу жумладан эркин муомаладаги валюта қарзларини қоплаш;

— акциядорлик жамиятини қисқа (1-3 йил) муддатда янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш ва молиявий аҳволини янада яхшилаш бўйича қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;

— хорижий корхоналар учун уларнинг Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинганлигини (легализация қилинганлиги) тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини тақдим қилиш.

Танлов савдосида иштирок этувчи сармоядорлардан таклифлар 2003 йил 25 декабрь соат 18.00 гача қабул қилинади.

Ўтказиладиган танлов савдолари шартлари бўйича қуйидаги манзилга, яъни 700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитасига 139-22-50, 139-20-66, 139-21-81 телефонлари орқали мурожаат этиш мумкин.

BANK XALQ BANKI

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Ташқи иқтисодий фаолият юритувчи юридик шахсларга тариф ставкалари бўйича барча турдаги валюта операцияларини таклиф этади:

- экспорт-импорт ва бартер шартномаларини рўйхатга олиш;
- аккредитивга доир барча операциялар;
- корпоратив мижозларнинг сўм маблағларини конвертация қилиш;
- мижозларнинг валюта маблағларини хорижий банкларга ўтказиб бериш ва бошқалар.

Шунингдек, Сиз ташқи иқтисодий фаолиятга доир саволларингизга исталган вақтда маълумот олишингиз мумкин.

Маълумот учун телефон: (3712) 78-84-38

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Ўздавнефтгазинспекция» бошлиғи

Нодир Самадович РАМАЗОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтелерадиокомпания» қошидаги «Дуторчилар» ансамбли жамоаси хонанда Раъно Бўроновага турмуш ўртоғи

Раҳимбой ҚУРБОНАЛИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.